



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# СПОРТ КУРАШЛАРИНИНГ ОЛИМПИА ТУРЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–127-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, спорт курашларини олимпия спорт турлари сифатида оммалаштириш, ёшлар орасидан спортчиларни саралаб олиш тизимини яхшилаш, миллий терма жамоаларимизнинг нуфузли спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар **2022–2024 йилларда** спорт курашларининг олимпия турларини (эркин кураш ва юнон-рум кураши) (кейинги ўринларда — спорт курашлари) **ривожлантиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

спорт курашларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, иқтидорли спортчиларни, шу жумладан, спортчи аёлларни

аниқлаш, танлаш ва **саралаш (селекция)** ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

**хотин-қизларнинг** спорт курашлари билан шугулланиши ва профессионал спортчи бўлиши учун уларни жалб қилиш бўйича кенг ташкилий-амалий ва тарғиб-бот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;

спортчиларни **замонавий илмий-методик тавсиялар** асосида тайёрлаш орқали ўқув-машқ жараёнини ташкил қилиш, уларнинг назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларини такомиллаштириш, профессионал маҳоратини шакллантириш, бу борада натижадор хорижий тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни таклиф қилиш;

**Бирлашган кураш дунёси** тренерлари ва ҳакамларини ўқитиш дастурларидан фойдаланиш орқали профессионал тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини тизимли асосда ошириб бориш;

спорт курашлари бўйича маҳаллий ва халқаро мусобақаларни тизимли равишда ташкил қилиш, халқаро мусобақаларда иштирок этиш, шу жумладан, Олимпия ва Осиё ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи **лицензияларни қўлга киритиш** ва ҳар Олимпия ва Осиё ўйинлари циклида уларнинг **сонини кўпайтириб бориш**;

спортчиларнинг профессионал маҳоратини ва тренерларнинг касбий малакасини ошириш учун спорт курашлари бўйича хорижий мактаблар билан **ҳамкорликни ривожлантириш** ва **тажриба алмашиш**, спорт курашларини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш;

2. Спорт курашларининг олимпия турларини **2022–2024 йилларда кенг-роқ ривожлантириш** дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.



Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ТАЭКВОНДО (WT) СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–127-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, таэквондо (WT)ни олимпия спорт тури сифатида оммалаштириш, ёшлар орасидан спортчиларни саралаб олиш тизимини яхшилаш, миллий терма жамоаларимизнинг нуфузли спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар **2022–2024 йилларда таэквондо (WT) спорт турини** (кейинги ўринларда — таэквондо) **ривожлантиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

таэквондони аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, иқтидорли спортчиларни,

шу жумладан, спортчи-аёлларни аниқлаш, танлаш ва **саралаш (селекция)** ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

мактабгача ёшдаги болаларда таэквондонинг **“Пумсе”** (poomsae) йўналишига қизиқиш уйғотиш орқали нафас олиш, хотира ва концентрацияни яхшилаш, вестибюлар аппаратни чиниқтириш каби соғломлаштириш ишларини олиб бориш, шунингдек, истиқболда мактабгача таълим ташкилотларида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан ҳамкорликда **“Kids таэквондо”** лойиҳасини ишга тушириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кўп болали оилалар фарзандларининг таэквондо билан шугулланиши учун ҳудудларда **“Таэквондо (WT)**

**ҳамма учун”** дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган умумий ўрта таълим мактабларида таэквондо бўйича дарсдан ташқари алоҳида **спорт секцияларини** ташкил этиш, уларга мактаб жойлашган ҳудуддаги спорт мактаби ва бошқа муассасадан тренер-ўқитувчиларни жалб этиш, шунингдек, ўрта махсус, профессионал ҳамда олий таълим ташкилотлари ўқувчи ва талабалари учун таэквондо бўйича **факультатив машғулотларни** жорий этиш, **таэквондо клубларини** тузиш;

таэквондо бўйича халқаро талабларга мувофиқ замонавий спорт мажмуаларини қуриш, мавжуд спорт мажмуаларининг **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш**, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан таъминлаш;



Давоми 2-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# МЕТИН ИНТИЗОМ, МУСТАҲКАМ ИЖРО — МАМЛАКАТ МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЮҚОРИ ЖАНГОВАР ШАЙЛИК АСОСИ

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “lrgo.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда мудофаа соҳасидаги тизимли ишларнинг изчил давом этишига жиддий туртки берди.

Ушбу ҳужжатлар талаблари асосида Мудофаа вазирлиги мансабдор шахсларининг **шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш**, қонунчилик ҳужжатлари **ижросини самарали ташкил этиш** ва мониторинг қилишнинг **таъсирчан тизимини** яратиш, ташкилий ҳамда назорат фаолияти шакллари ва услубларини такомиллаштириш борасида комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Бу жараёнда **ижро интизоми, шахсий масъулият** ва **ташаббускорлик асосий тамойил** қилиб олинди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашнинг мутлақо янги “lrgo.gov.uz” тизими яратилиши жамият ҳаётидаги муҳим ислохот, янгилик ва ўзгаришлар, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий омилли бўлмоқда.



Давоми 4-бетда



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Туркий давлатлар ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган “Табаррук зиёрат” туризм концепцияси бўйича ташаббусни юқори савияда ташкил этиш, туризм соҳасидаги табдиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш, шунингдек, Қўқон шаҳри 2022 йилда “Туркий дунёнинг туризм пойтахти” деб эълон қилинганлиги муносабати билан шаҳарнинг маданий ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туристлар учун қўшимча қулайликлар яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини такомиллаштириш ҳамда жозибадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи туркий дунё доирасида **“Табаррук зиёрат” туризм концепцияси** (кейинги ўринларда — Концепция) **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар билан туризм соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш; зиёрат ва маданий мерос объектларига турларни ташкил қилиш ва **янги саёҳат маршрутларини** ишлаб чиқиш; зиёрат ва маданий-тарихий туризм доирасида **мунтазам тарғибот тадбирларини** ташкил этиб бориш;

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Марғилон, Қўқон, Термиз

ва бошқа тарихий шаҳарларда буюк алломаларнинг илмий ва маданий мероси тўғрисида **семинар, симпозиум, конференция, илмий-амалий анжуманлар ўтказиш ҳамда илмий-оммабоп нашрларда материаллар эълон қилиш** орқали сайёҳларни жалб этиш;

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар билан ҳамкорликда илмий-таҳлилий материаллар, бадий, театр ва кино асарлари, видеороликлар, китоблар, тарқатма материаллар ва бошқа кўринишдаги **тарғибот материалларини тайёрлаш**;

Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ўзаро ҳамкорлик орқали **“Табаррук зиёрат” брендини** яратиш ва тарғиб қилиш;

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатлар, шунингдек, туркий халқлар диаспоралари кенг тарқалган бошқа мамлакатлардан **туристларни мамлакатимизга кенг жалб қилиш**;

ташкил этиладиган турли тадбирлар ва лойиҳалар орқали туркий халқлар ёш авлод вакилларининг ўзаро **маданий яқинлашувига эришиш**, уларда **миллий урф-одатлар ва аجدодларга ҳурмат каби юксак қадриятларни** шакллантириш.

2. Қуйидагилар:

Туркий дунё доирасида “Табаррук зиёрат” туризм концепциясини амалга

ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси **2-иловага** мувофиқ;

Қўқон шаҳрининг “Туркий дунёнинг туризм пойтахти” мақомини олганлиги муносабати билан 2022–2023 йилларда амалга оширилаётган маданий-маърифий тадбирлар дастури **3-иловага** мувофиқ;

Қўқон шаҳрида жойлашган реставрация қилинадиган ва мукаммал таъмирланадиган моддий маданий мерос объектлари рўйхати **4-иловага** мувофиқ;

2022 йилда Қўқон шаҳрининг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) 2023 йилдан бошлаб, **ҳар икки йилда бир маротаба:**

**май ойининг учинчи декадасида** Марғилон шаҳрида **“Марғилон ипак матоларининг халқаро бозордаги аҳамияти”** мавзусида кўргазма ва илмий-конференция;

**июнь ойининг биринчи декадасида** “Лаванда” фестивали;

**июль ойида** олий таълим муассасалари талабалари ва ёшлар учун Халқаро “Turksoy” ташкилоти билан ҳамкорликда **“Туркий тилли ёшлар” халқаро фестивали**;



Давоми 3-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН, ОЗАРБАЙЖОН ВА ТУРКИЯ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРМОҚДА



2 август куни Тошкентда “Ўзбекистон — Озарбайжон — Туркия” шаклида ташқи ишлар, савдо ва транспорт вазирларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов, Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Ходжаев, транспорт вазири Илҳом Маҳамов, Озарбайжон ташқи ишлар вазири Жейхун Байрамов, иқтисодиёт вазири Микаил Жаббаров, транспорт вазири Рашад Набиев, Туркия ташқи ишлар вазири Мевлут

Чавушўғлу, савдо вазири Мехмет Муш, транспорт ва инфратузилма вазири Адил Қораисмоилўғлу иштирок этди. Тадбир олий даражада эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларини муҳокама қилиш, шунингдек, ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашнинг амалий механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилмоқда.



Давоми 3-бетда

## БУГУННИНГ ГАПИ

Барча замонларда санъат, маданият, театр ва кино, матбуот, борингки, барча жабҳаларда ҳалқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий камолоти, диди ва савияси долзарб масала сифатида муҳокама қилиб келинган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Гулчехра УМАРОВАнинг бу борадаги кўнунчак фикр-мулоҳазалари, таҳлил ва кузатишлари ҳамда санъат даргаларининг ибрат мактаблари ҳақидаги мақолалари ҳаммиса ўқувчининг эътирофиди ва эътиборида бўлиб келган. 2017 йил 3 августда Президентимизнинг юртимиз зиёлилари, адабиёт ва санъат даргалари билан бўлган самимий мулоқотида ўртага ташланган муаммолар ва муҳим вазифалар ўтган вақт давомида қандай ечим топгани борасида таниқли журналист билан суҳбатлашдик.

**Гулчехра УМАРОВА:**

# МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

**ёхуд зиёлилар очиқ хат ёзишни  
унутиб қўймоқда**

— Гулчехра опа, суҳбатимизни санъатимизнинг кўҳна ва жонимизга туташ маънавий илдилари — мақомларимиздан бошласак... Биз сўз юритаётганимиз — зиёлилар учрашувиди ҳам давлатимиз раҳбари устоз санъаткорларимизнинг ўлмас меросига, уларнинг ибратли ҳаёт тарзига, ижодий мезонларига қайта-қайта тўхталиб ўтди.

— Бу бежиз эмас, албатта. Қачон ва қаерда гап очилса, гарчи тилим аччиқ бўлишига қарамай, бу борадаги

янгиликлар ҳақида фақат яхши гапларни айтгим келади. Айниқса, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муסיқа санъати институтига борсам, у ерда таҳсил олаётган талабаларнинг сайёҳаракатларини, ижодини қўриб ниҳоятда тўлқинланиб кетаман. Уша таълим масканида сабоқ олаётган “Ниҳол” муқофоти совриндори Адолат Исмоилова ижро этган мақомларни, ашулаларни эшитиб, жуда хурсанд бўлам.



Давоми 6-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И

# СПОРТ КУРАШЛАРИНИНГ ОЛИМПИА ТУРЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

 Бошланиши 1-бетда

Қуйдагилар дастурни молиялаштириш ман-балари этиб белгилансин:

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутиладиган маблаглар;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети маблаглари;

спорт федерация (ассоциация)лари, жамғармалар, клублар, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблаглари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Белгилаб қўйилсинки, **2023 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда** спорт курашлари бўйича эркаклар ва аёллар жамоалари ўртасида навбатма-навбат республиканинг барча ҳудудларида (олимпия ва халқаро вазн тоифалари бўйича):

- ёшлар ўртасида **Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун** халқаро спорт мусобақалари;

ўсимрлар ўртасида **“Uzbekistan-Grand Prix”** халқаро спорт мусобақалари;

катталар ўртасида **“New Uzbekistan”** халқаро спорт мусобақалари;

Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулдда вазиятлар вазирлиги тизимида **“Вазир кубоги”**, Давлат хавфсизлик хизмати тизимида **“Раис кубоги”**, Миллий гвардия тизимида **“Қўмондон кубоги”**, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида **“Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси кубоги”**, **“Вилоят ҳокими кубоги”** ва **“Тошкент шаҳри ҳокими кубоги”** мусобақалари ўтказилади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев), тегишли масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

уч ой муддатда ушбу бандда кўрсатилган мусобақаларга пухта тайёргарлик қўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича **чора-тадбирлар режасини тасдиқласин**;

халқаро спорт мусобақалари 2023 йил 1 январдан бошлаб спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг **республика календарь режасига киритилишини** таъминласин;

халқаро спорт мусобақаларида маҳаллий

курашчилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган **чет эллик кучли** курашчилар, **халқаро** даражадаги тренерлар ва ҳакамларнинг **иштирокини таъминласин**;

юқоридаги мусобақаларни ўтказиш жараёнини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳамда бошқа коммуникация манбаларида **кенг ёритсин**.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Б.Ибрагимов) юқоридаги мусобақаларни **туристик маршрутлар объектлари** рўйхатига киритсин, уларга хорижий ва маҳаллий туристларни **жалб этиш** чораларини кўрсин.

4. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулдда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

ўз тизимларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида **уч босқичли** (туман/шаҳар, вилоят ва республика) **“Вазир кубоги”**, **“Раис кубоги”**, **“Қўмондон кубоги”**, **“Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси кубоги”**, **“Вилоят ҳокими кубоги”** ва **“Тошкент шаҳри ҳокими кубоги”** спорт мусобақалари ўтказилишини таъминласин, шунингдек, ғолиб ва совриндорларни муносиб рағбатлантириш чораларини кўрсин;

мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро спорт мусобақаларининг юқори савияда ташкил этилишида Спортни ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясига **ҳар томонлама яқиндан ёрдам кўрсатсин**.

5. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг:

ўрта махсус, профессионал ҳамда олий таълим ташкилотлари ўқувчи ва талабалари ўртасида уюштириладиган **“Баркамол авлод”** ва **“Универсиада”** спорт мусобақаларининг дастурлари **га спорт курашларини киритиш**;

2023/2024 ўқув йилдан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида спорт курашлари бўйича ўқишга қабул қилишнинг амалдаги **давлат буюртмаси параметрларини босқичма-босқич ошириб бориш** ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

6. Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов) ва Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев) билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И

# ТАЪКВОНДО (WT) СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

 Бошланиши 1-бетда

худудий терма жамоаларнинг асосий тайёргарлик марказлари сифатида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида енгил конструкция асосида қуриладиган **марказлар ташкил этиш**;

таэквондони ўқитишнинг замонавий методикаларига асосланган **илмий-услубий ва ўқув адабиётлар** билан таъминлаш ҳамда тиббий кўмакни ривожлантириш;

маҳаллий корхоналар томонидан хорижий компаниялар билан биргаликда таэквондо бўйича халқаро стандартларга мос замонавий инвентарлар ва жиҳозлар **ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш**;

оммавий ахборот воситаларида соғлом турмуш тарзининг энг муҳим таркибий қисми сифатида таэквондони **тарғиб қилиш** ҳамда бу жараёнда юқори даражадаги ахборот технологиялари ва мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланилишини таъминлаш.

2. **Таэквондо (WT) спорт турини 2022–2024 йилларда кенгроқ ривожлантириш дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйдагилар дастурни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутиладиган маблаглар;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети маблаглари;

спорт федерация (ассоциация)лари, жамғармалар, клублар, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблаглари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон таэквондо (WT) ассоциациясининг **2023 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда**:

республиканинг барча ҳудудларида **4 сентябрь — Бутунжаҳон таэквондо кўнига** бағишланган таэквондо фестивали;

таэквондо ва **паратаэквондо** бўйича **“G2”** даражасидаги нуфузли **“Uzbekistan Open”** халқаро турнири;

таэквондо бўйича умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, шунингдек, ўрта-махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг ўқувчи ва талабалари ўртасида **“Вазир кубоги”** мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев), Ўзбекистон таэквондо (WT) ассоциацияси (Ш.Ташматов),

Халқ таълими вазирлиги (В.Ражапов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) билан биргаликда:

уч ой муддатда ушбу бандда кўрсатилган мусобақаларга пухта тайёргарлик қўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича **чора-тадбирлар режасини тасдиқласин**;

ушбу бандда кўрсатилган таэквондо фестивали ва халқаро турнири 2023 йил 1 январдан бошлаб спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг **республика календарь режасига киритилишини** таъминласин;

таэквондо фестивали ва халқаро турнирда маҳаллий таэквондочилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган **халқаро даражадаги кучли** таэквондочилар, тренерлар ва ҳакамларнинг **иштирокини таъминласин**;

мазкур мусобақаларни ўтказиш жараёнини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа коммуникация манбаларида **кенг ёритсин**.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Б.Ибрагимов) юқоридаги мусобақаларни **туристик маршрутлар объектлари** рўйхатига киритсин, уларга хорижий ва маҳаллий туристларни **жалб этиш** чораларини кўрсин.

4. **2022–2024 йилларда таэквондо (WT) спорт турини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон таэквондо (WT) ассоциациясининг ассоциация тизимида **Ўзбекистон таэквондо академиясини** (кейинги ўринларда — Таэквондо академияси) **ташкил этиш** тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Белгилансинки, Таэквондо академияси:

**Бутунжаҳон “Kukkiwon” таэквондо академияси** билан ҳамкорликда Марказий Осиёда янги **“leadership” имижини** яратиш мақсадида ташкил этилади;

**Мудофаа вазирлигининг** муҳандислик-коммуникация тармоқлари (табiiй газ, электр, телекоммуникация, ичимлик ва овқат сув тармоқлари) **мавжуд объектларидан бирида жойлаштирилади**.

6. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов), Мудофаа вазирлиги (Б.Қурбанов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон таэквондо (WT) ассоциацияси (Ш.Ташматов):

бир ой муддатда Бутунжаҳон “Kukkiwon” таэквондо академиясининг **таъсияларини** инобатга олиб, Таэквондо академияси жойлашадиган **аниқ манзилни белгиласин**;

2023 йил 1 сентябрга қадар Таэквондо академиясини инновацион технологияларга асосланган, қиммат бўлмаган, энергия тежовчи ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан **қуриш ишларини якунласин ва фойдаланишга топширсин**. Бунда, академиянинг биноси ва зарур инфратузилмасини барпо этиш **2023 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига** киритилади.

а) 2023 йилдан бошлаб:

спорт мактаблари, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида спорт курашларининг камид битта тури бўйича, шунингдек, ихтисослаштирилган спорт мактабларида спорт курашларининг иккита тури бўйича **секция ва бўлимлар ташкил этсин**. Бунда мазкур секция ва бўлимлари ташкил қилишга собиқ болалар-ўсимрлар спорт мактаблари ва уларнинг филиалларини мақбуллаштириш ва улар ходимларини қисқартириш натижасида бўшаб қолган бюджет маблаглари йўналтирилади;

спорт курашлари бўйича Ўзбекистон чемпионатлари ва кубоклари **ғолиблари ва совриндорларининг** (1–3-ўринлар), қоида тариқасида, биринчи навбатда халқаро спорт мусобақалари ва ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этишини таъминласин;

спорт курашлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоалари ва уларнинг заҳира таркибларининг **маҳаллий спортчилардан шакллантирилишга** алоҳида эътибор қаратсин;

спорт курашлари бўйича Ўзбекистон чемпионатлари ва кубокларида иштирок этадиган спортчиларнинг натижалари **хорижий малакали ҳакамлар томонидан баҳолашнинг йўлга қўйсин**;

б) спорт курашлари бўйича миллий терма жамоаларнинг бош тренерлари иштирокида ҳудудларда **йил давомида** иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш сифатини янги босқичга кўтаришга қаратилган **ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этсин**;

в) замонавий илмий ютуқлар ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тренер, ҳакам ва бошқа мутахассисларнинг касбий маҳоратини доимий ошириб бориш мақсадида маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида **семинарлар, маҳорат дарслари, ўқув машғулотлари** ташкил этсин.

7. **2022–2024 йилларда спорт курашларининг олимпия турларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ва Спортни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг **худудий бўлинмалари тўлақонли фаолият**

**юритиши учун** зарур чораларни кўрсин, шу жумладан, уларнинг молиявий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қўмаклашсин;

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва спорт курашларини оммалаштириш мақсадида туман (шаҳар) ва вилоят миқёсида ҳаваскорлар ўртасида **спорт курашлари бўйича мусобақаларни мунтазам ташкил қилсин** ва ушбу мақсадлар учун тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари ҳисобидан маблаг йўналтирсин;

2022-2023 йилларда ҳар бир туман (шаҳар)да спорт курашлари бўйича **хаваскор ва профессионал спортчилардан иборат бўлган клубларни** ташкил қилсин;

маҳаллий ёш тренерлар ва истикболли спортчиларнинг спорт курашлари бўйича хорижий мамлакатларда ташкил этиладиган ўқув-машғулот йиғинлари ва спорт мусобақаларида иштирок этиши билан боғлиқ жараёнларни тегишли **маҳаллий бюджетларнинг даромадлар режасидан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан** молиялаштирсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов):

спорт курашлари бўйича ўтказиладиган жаҳон, китъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларни, шу жумладан, Ўзбекистонда ўтказиладиган вилоят ва республика биринчиликлари ҳамда халқаро **спорт мусобақаларини мунтазам равишда ёритиш чораларини кўрсин**;

мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид теле- ва радио дастурлар, спортчиларнинг профессионал фаолияти ҳақида **махсус кўрсатувлар ва мақолалар тайёрласин**, ўтказиладиган брифинг ва пресс-конференцияларни ёритиб борсин.

10. Миллий антидопинг агентлиги (А.Садиков) бир ой муддатда спорт курашлари бўйича қуйдагиларни назарда тутувчи **дастури тасдиқласин ва амалиётга жорий қилсин**:

спортчилар ва тренерларни “шаффоф спорт”га тарғиб қилиш;

спортда фармакологик таъсирга эга дори

| Ўзбекистон Республикаси<br>Президенти | Ш. МИРЗИЁЕВ |
|---------------------------------------|-------------|
| Тошкент шаҳри,<br>2022 йил 29 июль    |             |

препаратлари ва бошқа моддалардан тўғри фойдаланиш борасида спортчилар, тренерларнинг маданияти ва саводхонлигини ошириш тадбирларини ўтказиш;

спортчиларни антидопинг мавзуларига оид тегишли ўқув-ахборот материаллари ва турли кўргазмалар маълумотлар билан таъминлаш;

спортчилар томонидан антидопинг қоидаларига қатъий риоя қилиниши устидан самарали антидопинг назоратини амалга ошириш.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири **А.И. Икрамов**, спортни ривожлантириш вазири ўринбосари **Ш.Ш. Махмудов** ҳамда Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси раиси **С.К. Абдувалиев** белгилансин ва **уларга қуйдаги вазифалар юклансин**:

иқтидорли ёшларни танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спорт курашчилари сифатида тайёрлаш ишларини самарали **ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш**;

ҳудудларда спорт курашлари инфратузилмасини барпо этиш ва кенгайтириш бўйича **инвестиция ва грант маблагларини жалб қилиш**, бошқа зарур чора-тадбирларни белгилаш;

спорт курашларини таълим муассасалари, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш орқали оммалаштириш, **аҳолининг ушбу спорт турига қизиқишини ошириш**;

спорт курашлари бўйича мусобақаларни ўтказиш, ушбу йўналишда халқаро ва чет эл ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг **ҳомийлик хайрияларини жалб қилиш**;

2022–2024 йилларда спорт курашларининг олимпия турларини ривожлантиришнинг **мақсадли кўрсаткичларига тўлақонли эришиш**;

ушбу қарорда белгиланган вазифалар ижросини **ҳар ярим йилда камид бир марта танқидий муҳокама қилиш**, зарур чора-тадбирларни белгилаш.

12. Мазкур қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

| Ўзбекистон Республикаси<br>Президенти | Ш. МИРЗИЁЕВ |
|---------------------------------------|-------------|
| Тошкент шаҳри,<br>2022 йил 29 июль    |             |

шунингдек, худудий саралаш мусобақаларини, клуб чемпионатларини ташкил этади ва ўтказади;

б) қуйдагилар ихтисослаштирилган таэквондо марказлари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисоблансин:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблаглари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Вазирлар Маҳкамаси **уч ой муддатда** ихтисослаштирилган таэквондо марказлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

11. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) билан биргаликда **2023 йил 1 январдан бошлаб 3-иловага мувофиқ** умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг жисмоний тарбиясига катта ижобий таъсир кўрсатадиган спорт тури — таэквондога қизиқишини ошириш мақсадида таэквондо бўйича **дарсдан ташқари алоҳида спорт секцияларини ташкил этсин, уларга мактаб жойлашган ҳудуддаги спорт мактаби ва бошқа муассасадан тренер-ўқитувчиларни жалб қилсин**.

12. 2022 йил 1 октябрдан бошлаб Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университететида “Таэквондо ва спорт фаолияти” факультети ҳузурида **Спортчиларни илмий-услубий ва тиббий-биологик таъминлаш муаммолари лабораторияси** ташкил қилинсин ва унинг фаолияти университетнинг бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобидан молиялаштирилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон таэквондо (WT) ассоциацияси (Ш.Ташматов) Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг “Таэквондо ва спорт фаолияти” факультетида таэквондо бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида замонавий инновацион технологиялар асосида касбий таълимни такомиллаштириш, илмий, илмий-услубий базани яратиш ва янада ривожлантириш чораларини кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

уч ой муддатда Ўзбекистон таэквондо (WT) ассоциациясининг худудий бўлинмаларига тегишли шарт-шароитларни яратиш, уларнинг молиявий

| Ўзбекистон Республикаси<br>Президенти | Ш. МИРЗИЁЕВ |
|---------------------------------------|-------------|
| Тошкент шаҳри,<br>2022 йил 29 июль    |             |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

# ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

август ойининг учинчи ҳафтасида туркий давлатларнинг тадбиркорлик субъектлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналист ва блогерлар учун “**Табаррук зиёрат**” халқаро медиатурси ва унинг доирасида “**B2B**” **форматида учрашувлар** ташкил этилади;

б) Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар тилларида Давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини яратиш дастури доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан маданий меросимиз, буюк аллома ва уламоларимизнинг илм-фан ривожига қўшган бебаҳо меросини оммалаштириш ва тарғиб қилишга қаратилган **қисқа метражли ва ҳужжатли фильмлар** яратиш тизими йўлга қўйилди.

4. Қўйидагилар:  
Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги — “**Табаррук зиёрат**” халқаро медиатурси ва унинг доирасида “**B2B**” **учрашувлар** ҳамда “**Туркий тилли ёшлар**” халқаро фестивалини юқори савияда ташкил қилишга;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси — “**Марғилон ипак матоларининг халқаро бозордаги аҳамияти**” мавзусида кўргазма ва илмий-конференция ҳамда “**Лаванда**” фестивалини юқори савияда ташкил қилишга;

Кинематография агентлиги — **қисқа метражли ва ҳужжатли фильмлар** яратишга масъул ҳисобланади.

5. Туризм ва маданий мерос вазирлиги **2022 йил 1 октябрга қадар**:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар тилларида юритилувчи “**Табаррук зиёрат**” туризм платформасини (кейинги ўринларда — Платформа) ташкил қилиш;

б) Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

Платформани Туркий давлатлар ташкилотининг расмий веб-саҳифаси билан интеграция қилиш;

Туркий давлатлар ташкилотининг ахборот ресурсларида Концепция ва унинг доирасида амалга ошириладиган тадбирларни жойлаштириш чораларини кўрсин.

6. Транспорт-логистика масалаларини тезкор қўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссия (А.Абдухакимов) бир ой муддатда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатлардан **мунтазам ва чартер авиақатновларни йўлга қўйиш** бўйича асосланганлиги билан тақдирини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

7. Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

**Қўқон университети** (кейинги ўринларда — Университет) **ҳузурида** Туризм факультети ва Меҳмонхона амалиёти маркази, Академик хостел, Академик туризм маркази, Университет ва аҳоли учун очик кутубхона ва наشريётни ташкил этиш ҳамда уни туризм масалалари бўйича замонавий ўқув адабиётлари ва кутубхона фонди билан таъминлаш;

**2022 йил 1 ноябрга қадар** Маданий мерос агентлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида “**Қўқон**” **арт-резиденциясини** ташкил этиш; “**Golden Valley Marathon**” халқаро марафонини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

8. Белгилансинки:

Университет ҳузуридаги **Туризм факультети ва Меҳмонхона амалиёти маркази, Академик хостел ҳамда Академик туризм маркази** биноларини куриш — Университет таъсисчилари маблағлари;

Университет ҳузуридаги **очик кутубхона ва наشريётни ташкил этиш**, уни асбоб-ускуналар, техника, хомашё, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги

Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

**Университетни туризмга оид замонавий ўқув адабиётлари ва кутубхона фонди билан таъминлаш** — Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва халқаро молия институтларининг грантлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Инновацион ривожланиш вазирлиги Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Университет билан биргаликда Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **2022 йил 1 сентябрга қадар** ёшлар ва талабалар учун **стартап лойиҳалар танловини** ўтказиш чораларини кўрсин.

10. Қўйидагилар “**Қўқон**” **арт-резиденциясини** сақлаш харажатлари учун:

Туризм ва маданий мерос вазирлиги **2024 йил 1 январга қадар** бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан; Молия вазирлиги **2024 йилдан бошлаб** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида маблағ ажратилишини назарда тутсин.

11. Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Фарғона вилояти ҳокимлигининг “**Яшил макон**” **умуммиллий лойиҳаси доирасида** Фарғона вилоятида ислом дини, минтақадаги маъжуд дин намоёндалари мероси ва моддий-маданий мерос объектларини акс эттирувчи “**Туркий дунё боғи**”, “**Аскиячилар боғи**” ва “**Шахмат боғи**” **номли тематик боғларни** барпо этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

12. Белгилансинки:

а) Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан “Туркий дунё боғи”, “Аскиячилар боғи” ва “Шахмат боғи” тематик боғларида:

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлардан таширф буюрган туристлар томонидан манзарали дарахт ва бута кўчатларини танлаб олиб экиши учун **махсус интерактив ахборотлаштирилган электрон портал тизими** яратилади;

мазкур порталда туристлар учун манзарали дарахт ва бута кўчатларини уларнинг турларидан келиб чиқиб танлаш ва харид қилиш, **дарахт ва бута кўчатларини экиш жойини белгилаб олиш имконияти яратилади**; экиладиган дарахт ва бута кўчатларига туристлар тўғрисида маълумот бириктирилади;

б) **2022 йил 1 сентябрдан бошлаб**:

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги “Туристларга хизмат кўрсатиш маркази” ДУКнинг туристик ахборот марказлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро аэропортлари, чегара ўтказиш пунктларида белгиланган тарғиб қилиб борилади;

туристик ахборот марказлари ходимларининг чегара ўтказиш пунктлари орқали кириб-чиқиш туристик ахборот марказида фаолият олиб боришини тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширилади.

13. Фарғона вилояти ҳокимлиги Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда тематик боғлар ташкил қилиш учун ер участкалари** танланиши ва уларнинг белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

14. Озарбайжон Республикасининг Шемаха шаҳри 2023 йилда “Туркий дунёнинг туризм пойтахти” этиб белгиланганлиги

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 29 июль

## БРИФИНГ

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ЯҚУНЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси қарори билан жорий йил 1 августга қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси яқунлари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборот юзасидан маълумот берилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси юзасидан давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларида кенг қўламли муҳокамалар ўтказилди. Уларда фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириши учун барча қўлайликлар яратиб берилди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида вазирлик, идора ва ташкилотларда, барча туман ва шаҳарларда сенаторлар, депутатлар, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгаш депутатлари иштирокида 20 мингга яқин тадбир ташкил этилди. Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар ҳамда олиб борилаётган ишларни аҳолининг кенг қатламига етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали қўлаб-қувватлаш чоп этилди. Масалан, давлат ва нодавлат телеканалларида 11 минг 606 та лавҳа, интервью, информация ва махсус кўрсатувлар эфирга узатишга бўлса, радиоканалларда 2997 та информация ва махсус эшиттиришлар ташкил қилинди. Марказий, ҳудудий ва сиёсий партиялар нашрларида 1138 та мақола чоп этилди. Конституциявий ислохотлар юзасидан интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларда 46 минг 720 та ахборот материаллари эълон қилинди.

Брифингда қайд этилганидек, қонун лойиҳаси муҳокамаларида ёшлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институти вакиллари, умуман, ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган юрдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз тақлифларини билдирди. Бунини умумхалқ муҳокамаси мобайнида 150 мингдан ортиқ тақлиф келиб тушгани мисолида ҳам қўриш мумкин. Эътиборлиси, мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларга хориждаги ватандошларимиз ҳам бефарқ бўлмади. Жумладан, Қозоғистон, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Германия ва бошқа давлатлардан ватандошларимизнинг юзлаб тақлиф ва муносабатлари келиб тушди.

Юрдошларимиз ва хориждаги ватандошларимиздан келиб тушган



**“ХОРИЖДАГИ СИЁСІЙ ДОИРАЛАР ВА ЕТАКЧИ  
ЭКСПЕРТЛАРГА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР  
МАЗМУН-МОҲІЯТИНИ ЕТКАЗИШ МАҚСАДИДА АҚШ,  
БУЮК БРИТАНИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ, ПОЛЬША, ЯПОНИЯ,  
ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, ҲИНДИСТОН КАБИ ДАВЛАТЛАРДА  
КОНФЕРЕНЦИЯ, ДАВРА СУҲБАТИ ВА БОШҚА  
ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ.**

тақлифлар орасида солиққа тортиш мутаносиб ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши, давлатнинг ишсизликни тугатиши, зарурат туғилганда хориждаги фуқароларга ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиши, давлат органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш ва уларга коррупцияга қарши курашиш мажбуриятини юклаш, аҳоли учун муносиб яшаш шароитини яратиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, маҳаллий кенгашларга ҳокимларга ишончсизлик воқеалари билдирish ваколатини бериш, суднинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашга ҳақли эмаслигини белгилаш каби тақлифлар бугунги кунимиз

ва келажагимиз учун долзарб аҳамият касб этади.

Умумхалқ муҳокамаси давомида билдирилган тақлифларни ўрганиб чиқиш учун Олий Мажлис қўйи палатаси масъул қўмиталари Конституциявий комиссия билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Умумхалқ муҳокамаси давомида масъул қўмиталарнинг 40 га яқин мажлиси ўтказилди. Қўлаверса, тақлифлари долзарб аҳамият касб этган юрдошларимиз билан учрашувлар ташкил этилиб, бу тақлифлар масъул қўмиталарда бевосита улар иштирокида муҳокама этилди. Узоқ ҳудудлардан тақлиф жўнатган юрдошларимиз билан масофадан туриб онлайн иш олиб борилди.

Масалан, хотин-қизлар ва эркеклар гендер тенглиги давлат томонидан кафолатланишини Конституцияда акс эттириш лозимлиги ҳақидаги тақлиф қўмита ййгилишида муаллиф иштирокида муҳокама этилиб, унинг тақлифи долзарб деб топилди. Шунингдек, масъул қўмиталарнинг қўшма ййгилишида иш вақти ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги тақлиф ҳам унинг муаллифи иштирокида таҳлил этилди ва долзарб деб топилди.

Брифингда Конституциявий қонун лойиҳаси бугунги кунда олти турдаги экспертизадан ўтказилгани, шунингдек, куни кеча қонун лойиҳаси юзасидан етакчи олимлар, профессорлар, академиклар иштирокида жамоатчилик маслаҳатлашуви ўтказилиб, лойиҳада сўз ва ибораларни тўғри қўллаш юзасидан қатор тақлифлар берилгани қайд этилди. Шунингдек, хориждаги сиёсий доиралар ва етакчи экспертларга конституциявий ислохотлар мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Польша, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби давлатларда конференция, давра суҳбати ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Эндиликда келиб тушган тақлифларга асосан, Конституциявий қонун лойиҳаси маромига етказилади. Албатта, бу иш муайян вақт талаб этади. Ушбу жараён якунлангач, қўмиталарнинг қўшма ййгилиши, сиёсий партиялар фракцияларида муҳокамалар ўтказилади ва қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яппи мажлиси кун тартибига олиб чиқилади. Қонун лойиҳасининг матни тайёр бўлиши билан у депутатлар муҳокамасига киритилган ва халқ вакиллари фикрини инобатга олган ҳолда, Конституциявий қонун лойиҳаси референдумга қўйилади.

Брифингда жорий йил 1 август куни умумхалқ муҳокамаси учун ажратилган вақт тугаганини эътиборга олган ҳолда “Meningkonstitutsiyam.uz” платформаси ва “1341” колл-маркази орқали тақлифларни қабул қилиш тўхтатилиши, лекин “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги қонун талаблари асосида лойиҳага берилган тақлифлар белгиланган тартибда қўриб чиқилиши таъкидланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

“Дунё” АА

Бошланиши 1-бетда

Учрашув кун тартибидан ташқи сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги муносабатларни кенгайтириш, транспорт-коммуникация соҳасида минтақавий ўзаро боғлиқликни мустақкамлаш масалалари ўрин олган.

Хусусан, учрашув иштирокчилари уч мамлакат ўртасидаги ташқи сиёсат, савдо-иқтисодий ва сармоявий, транспорт-коммуникация соҳаларида алоқаларни фаоллаштириш ва уларнинг истиқболларини муҳокама қилади.

Учрашув яқунлари бўйича Тошкент декларацияси қабул қилиниши қўлланмоқда. Форум доирасида икки томонлама учрашувлар ҳам бўлиб ўтади ҳамда тадбир яқунлари оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказиладиган брифингга тақдим этилади.

Мазкур учрашувни ўтказиш ташаббуси Озарбайжон томонидан илгари сурилиб, Ўзбекистон ва Туркия уни қўллаб-қувватлади. Бу Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўсиқларсиз Марказий Осиё”ни яратиш, одамлар ва товарларнинг эркин ҳаракатланишига халал бераётган жихатларни бартараф этиш мақсадида минтақалараро ўзаро боғлиқликни мустақкамлаш ташаббусига тўлиқ мос келади.

“Ўзаро алоқаларни ва минтақавий ҳамкорликни мустақкамлашдан туриб, бугунги кунда мамлакатларимиз дуч келаётган хавф-хатар ва таҳдидларни ениб бўлмаслигини чуқур англаш вақти келди. Биз фаровонлик ва тараққиётга эришиш йўлида биргаликда ривожланиш истиқболлари бўйича яхлит ёндашувларни ишлаб чиқишимиз лозим”, деб таъкидлаган эди Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил июль ойида Тошкентда бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида.

Ўзбекистон раҳбарининг ёндашувлари қўшни ва ҳамкор давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, минтақадаги ижобий ўзгаришларга асос бўлмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия ўзаро ҳамкорликни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шакллардаги майдончаларда фаол ривожлантирмоқда. Хусусан, учала давлат БМТ, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, бошқа халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйган.

Шу нуқтаи назардан, Тошкент учрашуви нафақат Ўзбекистон, Туркия ва Озарбайжон, балки ушбу давлатлар жойлашган минтақалар ўртасидаги ишончли ва стратегик шериклик, яхши қўшничилик муносабатларини мустақкамлаш йўлидаги навбатдаги салмоқли қадам бўлади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# МЕТИН ИНТИЗОМ, МУСТАҲКАМ ИЖРО — МАМЛАКАТ МУДОФАА САЛОҲИАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЮҚОРИ ЖАНГОВАР ШАЙЛИК АСОСИ



**Баҳодир ҚУРБОНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**мудофаа вазири,**  
**генерал-лейтенант**

Бошланиш 1-бетда

Мудофаа вазирлиги марказий аппарати ва қўшинларида ижро интизоми ҳолати бўйича ўтган даврда “**Jrgo.gov.uz**” электрон тизимида **1 та** қонун, Президентнинг **164 та** фармони, **628 та** қарори, **226 та** фармойиши ва **158 та** баёни доирасида Мудофаа вазирлигига юклатилган **жами 1177 та** топшириқнинг **981 таси** ўз вақтида бажарилган бўлса, **196 тасининг** ижроси давом эттирилмоқда.

Қонунчилик ҳужжатлари, қўйилган вазифалар моҳияти ва аҳамиятини шахсий таркибга тезкор етказиш, назорат бандлари ва топшириқларни бажаришда ҳарбий қисм ва муассаса раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги таъминланган. Юқори ва қуйи тизимлар ўртасида тезкор ички **ахборот алмашинуви жараёни тўлиқ электрон форматга ўтказилган**. Бу эса соҳага доир қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишда ўз самарасини бермоқда.

### Мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш йўлида

Мудофаани бошқариш миллий марказида жорий йилнинг 13 январь кўни Хавфсизлик кенгашининг Президентининг — Ўзбекистон Республикаси Қўролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган кенгаштирилган йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан **Қўролли Кучлар БШ штаби фаолиятини сифат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқиш**, қўшинни замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан бутлаш, мавжудларини модернизация қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларни ёт гоғлардан ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг психологик тайёргарлиги ва жанговар руҳини мустаҳкамлаш бўйича қатор вазифалар қўйилган. Ушбу муҳим вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2022–2026 йилларда Қўролли Кучларни янада ривожлантириш бўйича концептуал дастур ишлаб чиқилди ва у асосда амалий ишлар олиб боришмоқда.

2016 йил билан таққослаганда ҳарбий хизматчининг ўқув-машғулот меъёри **4 баробар** кўпайди, жанговар ва махсус тайёргарлик машғулотлари интенсивлиги, қўшинлар тайёргарлик даражаси **2 баробар** ошди.

Амалга оширилган ишлар ва ислохотлар самарасини юрт ҳимоячилари халқаро майдонларда ўтказилган уйинлар ва мусобақаларда яққол намоён этишди. Жумладан, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларидан иборат жамоамиз 2020 йилда Халқаро армия уйинларида умумжамоа ҳисобида 3-ўринни қўлга киритган бўлса, 2021 йилги армия уйинларининг **24 та** йўналишида **4 та олтин, 9 та кумуш** ва **4 та бронза** медални қўлга киритиб, **42 та** давлат армиялари ўртасида умумжамоа ҳисобида фахрли **2-ўринни** эгаллади. Таъкидлаш жоизки, мазкур Халқаро армия уйинларида қайд этилган жами **33 та** рекорд натижадан **10 таси** Ўзбекистон ҳарбий хизматчилари томонидан ўрнатилди.

Мудофаа вазирлигининг **2 нафар** сержанти АҚШда ўтказилган “**Илғор жангчи**” мусобақасида муносиб иштирок этиб, фахрли **1-ўринни** эгаллади. “Global Firepower Index-2021” рейтингли маълумотларига қўра, Ўзбекистон Қўролли Кучлари ҳарбий салоҳияти Марказий Осиёда **биринчи**, МДҲ давлатлари орасида **учинчи** ва дунёнинг **140** мамлакатлари орасида **53-ўринда** туради.

### Ҳарбий мерос ва илмий салоҳият

Буюк аждодларимизнинг бой ҳарбий меросини чуқур ўрганиш орқали ҳарбий илм-фани ривожлантириш, миллий ҳарбий санъатимиз тарихи бўйича фундаментал тадқиқотлар қилиш, соҳадаги хавф ва таҳдидларни тизимли ўрганиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2021 йил декабрдаги қарорига мувофиқ **Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти ташкил этилди**.

Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий илм-фани ривожлантириш йўналишидаги изчил сайёҳаракатлар натижасида илмий даража ва илмий унвонга эга ҳарбий хизматчилар сони **137 нафарга** етди. Яна **211 нафар** ҳарбий хизматчи ҳозирги кунда илмий-тадқиқот олиб бормоқда.

Қўролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Қўролли Кучлари академияси янги халқаро стандартларга мос такомиллаштирилди. Академияда давлат ва ҳарбий бошқарув даражасидаги ҳарбий кадрларни тайёрлаш магистратураси ташкил этилиб, йилга **15 нафаргача** кадр тайёрланмоқда. Бунинг натижасида Қўролли Кучлар академияси илмий салоҳияти **51,3 фоиз** ошди.

Халқаро ҳарбий ҳамкорлик доирасида Мудофаа вазирлигининг **300 нафарга** яқин

ҳарбий хизматчиси Россия, АҚШ, Туркия, Германия, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Беларусь, Италия, Буюк Британия, Жанубий Корея олий ҳарбий таълим муассасалари ва ўқув марказларида таълим олиб, халқаро тажрибаларни ўрганди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “**Аждодларни излаб**” ҳарбий-тарихий жамияти фаолиятига фан ва санъат соҳалари раҳбарлари ва мутахассислари жалб этилиши миллий ҳарбий меросимизни ҳар томонлама тизимли ўрганиш ҳамда оммалаштириш имконини берди.

Жумладан, шу вақтга қадар фашизмга қарши уруш вақтида юртимиз аҳолиси **6 миллион 551 минг** кишини ташкил этган ва уларнинг **1 миллион 500 мингга** яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги топилган маълумотлар асосида Ўзбекистондан **1 миллион 951 мингга** яқин киши урушга сафарбар этилган, ҳар уч ўзбекистонликдан биттаси қўлга қўрол олиб, фашизмга қарши жанг қилгани аниқланди. Яъни шунча йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келган, аммо жангларда мардонанов қатнашган қарийб **451 минг** юртодшамизнинг номлари ва тақдири тикланди.

### Муддатли ҳарбий хизматга қақрув

2021 йил 30 сентябрда имзоланган “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги қонун билан мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги Қўролли Кучларни бутлаш, ҳудудий ҳамда ҳудудий-тиббий комиссиялар, шунингдек, вилоят йиғин пунктларида ҳарбий-тиббий комиссиялар ва мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги раҳбарият кенгашлари таркиби ва уларнинг иш фаолияти белгиланди. Бир-бирини тақрорловчи тиббий кўриқлардан ўтказиш амалиёти бекор қилинди. **196 нафар** тиббий ходим тиббий комиссиялар таркибидан чиқарилди. Муддатли ҳарбий хизматга қақриш кўзда тутилган вазирлик ва идоралар вакилларининг номзодларини **яккама-якка суҳбат орқали танлаб олиши** билан Қўролли Кучларни сифатли бутлаш имкони яратилди.

Ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим муассасаларининг битирувчи синф ўғил болаларини қақрув пунктларида қайд этиш ишларини **апрель-май ойларидан** охириг қўйиш йилнинг **октябрь-ноябрь ойларид**а амалга ошириш тартиби белгиланди.

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунга кўра, меҳнатга қобилиятсиз, яъни нафақада ёки ногирон бўлган ота-онанинг елғиз ўғли, уларнинг бошқа боқувчиси бўлмаса, ҳарбий хизматга қақрилмас эди. Фуқароларнинг мурожаатлари ва тақлифлари асосида ушбу тоифадаги қақрилувчиларга ота-оналарнинг розилиги билан муддатли ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик қақруви резерви хизматини ўташ ҳуқуқи берилди. Жорий йил ана шу тоифага қирувчи **112 нафар** фуқаро муддатли ҳарбий хизматга қақрилди.

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 6 мартдаги қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматга қақриллаётган фуқароларни ҳарбий тиббий кўриқдан ўтказиш учун туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимидаги ҳудудий тиббий комиссиялар ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мудофаа ишлари бошқармалари ҳузурида ҳарбий тиббий комиссиялар ташкил этилди. Бу ўзгариш, ўз навбатида, кўп куч, ортиқча вақт ва маблаг сарфланишининг олдини олмақда.

Ҳудудий тиббий комиссиялар томонидан соғлиги даражаси бўйича ҳарбий хизматга яроқли деб топилган қақрилувчилар бутлаш комиссиясида суҳбатдан ўтказилиб, соғлигининг даражаси, жисмоний тайёргарлиги, фикрлаш қобилияти ва бошқа ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни қўшин турларига тайинлаш бўйича қарор қабул қилинмоқда.

Фуқаролар томонидан ҳарбий хизматга яроқлилик тоифаси бўйича ўзига нисбатан қақрилган ҳулосаларидан норози бўлиб мурожаат қилган фуқаролар Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий тиббий комиссиясининг назорат тиббий кўриғидан ўтши белгиланди. Унга 2021 йил ҳудудий тиббий комиссия қароридан қониқмаган ва бошқа сабабларга кўра **136 нафар**, 2022 йилда **108 нафар** фуқаро мурожаат қилган.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 23 мартдаги “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қўлай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Jrgo.gov.uz” ижро интизоми идораларар ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан келиб чиққан ҳолда бarcha мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлиmlарини электрон ишлаш тизимига ўтказиш билан фуқароларга, айниқса, ёшларга қўлай шароитлар яратилди.

Натижада республикамаиздаги 202 та мудофаа ишлари органи орқали фуқароларга хизмат кўрсатишда ортиқча **қоғозбозилик ва бюрократия тўсиқларига барҳам берилди**, қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш таъминланди. Автоматлаштирилган ахборот тизими ва электрон маълумотлар базаси ишга туширилиши билан 10 дан ортиқ ҳужжатни талаб этиш бекор қилиниб, қисқа



**“МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШ МАҚСАДИДА 1991–2016 йилларда (25 йилда) жами 7137 НАФАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН БўЛСА, 2017–2021 йилларда 10 769 ТА ХОНАДОН ТОПШИРИЛГАН. 2022–2026 йилларда БУ КўРСАТКИЧНИ ҲАР йили 2295 ТАГАЧА ЕТКАЗИШ, 5 йилда ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АСОСИДА жами 11 475 ТА ХОНАДОНГА МўЛЖАЛАНГАН КўП қАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙЛАР БАРПО ЭТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.**

вақтда “Ягона дарча” тамойили асосида ёки мудофаа ишлари бўлимлари орқали электрон тарзда маълумотнома олиш, рўйхатга қўйиш ёки чиқариш имконияти яратилди.

2022 йил 1 июль ҳолатига **1 016 539 нафар** фуқарога онлайн ва электрон тарзда “Ҳарбий рўйхатга киритиш ва ундан чиқариш” давлат хизмати кўрсатилди.

### Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини **ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароитини, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш** масалалари Президент — Ўзбекистон Республикаси Қўролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг **доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда**. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Қўролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ипотека кредитлари орқали уй-жой билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, 2021 йилда Тошкент шаҳри ва вилоятларда **1010 та** хонадондан иборат **19 та** кўп қаватли уй ипотека кредитлари ҳисобига қурилиб, ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзоларига фойдаланишга топширилгани, бу кўрсаткич 2022 йилда **1200 та**ни ташкил этгани бунинг яққол намунаси. Бугунги кунда Тошкент ва Чирчик шаҳарларида **420 та** хонадон фойдаланишга топширилган. Шунингдек, жорий йилнинг сентябрь ойида Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида **290 та** хонадон фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида **1991–2016 йилларда (25 йилда) жами 7137 нафар** ҳарбий хизматчи уй-жой билан таъминланган бўлса, **2017–2021 йилларда 10 769 та** хонадон топширилган. **2022–2026 йилларда** бу кўрсаткични ҳар йили **2295 тагача етказиш, 5 йилда** ипотека кредитлари асосида жами **11 475 та** хонадонга мўлжалланган кўп қаватли тура-р жойлар барпо этиш режалаштирилган.

Сўнгги йилларда Мудофаа вазирлиги тизимида малакали ҳарбий шифокорлар тайёрлаш, уларнинг маҳорати ва тажрибасини ошириш борасида ҳам кенг мекёсли ишлар йўлга қўйилди. Жумладан, вазирлигининг **234 нафар** тиббиёт ходими республика-миз ва хориж (АҚШ, Россия, Хитой, Германия) тиббиёт марказлари ва академияларида таълим олди. Қўролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академия-сида **181 нафар** тиббиёт ходими, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ходимларининг касбий малака-сини ривожлантириш марказида **21 нафар** шифо-кор, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш марказида

**4 нафар** ҳамшира, Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги Ҳарбий тиббиёт академиясида **11 на-фар** ҳарбий шифокор клиник ординатура, қайта тайёрлаш курсларида малакаларини оширишди. Шунингдек, **17 нафар** ҳарбий шифокор Ҳарбий тиббиёт академиясининг ҳарбий интернатураси ва клиник ординатурасига қабул қилинди.

Халқаро ҳарбий ҳамкорлик йўналишида Корея Республикаси Мудофаа вазирлиги билан ҳарбий тиббиёт соҳасида ҳамкорликка оид имзоланган англашув меморандуми доирасида барча округ ва бирлашмалардан **12 нафар** тиббиёт ходими Ко-рея Республикаси Қўролли Кучлари тиббиёт мак-табининг “Жанг майдонида шошилиш тиббий ёр-дам” ўқув курсларида амалий қўнимчаларни оши-ришга, **2 нафар** ҳарбий шифокор АҚШнинг Техас штатидаги ҳарбий ҳаво кучлари базасига ўқишга юборилди.

Шу ўринда ҳарбий госпиталлар фаолиятига юкори технологияли, шу билан бирга, йирик бў-ғинларни эндопротезлаш амалиёти киритилганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Чунки соҳадаги бу я-нгилик сабаб 2022 йил 7 май кўни Марказий ҳарбий клиник госпиталда илк бор академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт маркази мутахассислари билан ҳамкорликда “**буйракни кўчириб ўтказиш амалиёти**” муваффақиятли амалга оширилди.

### Халқ ва армия — бир тану бир жон

“Халқ ва армия — бир тану бир жон” ғояси асо-сида ўтказилаётган тадбирлар Мудофаа вазирли-ги фаолиятининг очкилиги ва ошқоралигини таъ-минлаш, ҳарбий касб нуфузини ошириш, ҳарбий хизматчилар ва қақриққача бўлган ёшларнинг маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси тизимини шакллантириш сингари усту-вор мақсадларга хизмат қилмоқда. Бунинг нати-жасида Қўролли Кучлар ва халқимиз ўртасидаги ришталар мустаҳкамланиб, юртодшаримизнинг ўз армиясига нисбатан фахр, ғурур ва ифтихор туйғулари янада ошмоқда.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари то-монидан вилоятлар бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиш паст бўлган олис қишлоқ, овул ва маҳаллаларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жами **186 та** маҳалла, қишлоқ ва овулда, **51 583 та** хонадонда ободонлаштириш, **3 850 та** объектада қурилиш, **303 та** кўп қаватли ва **8 521 та** объектада таъмирлаш ишлари бажарилди. **44 та** маҳаллада ҳарбий муҳандислик техникасида бурғилаш ишла-ри олиб борилиб, **2 996 та** хонадон томорқасини суғориш учун **303 та** артезиан кудуқ қазиб берилди.

Мудофаа вазирлигининг **500 дан** ортиқ тиббиёт ходими **коронавирусга қарши курашиш** ишла-рида фаол қатнашди. Мудофаа вазирлигининг **2 та** Санитария-эпидемиология назорат маркази, **6 та** ҳарбий госпитали вирусология лаборатория-сида коронавирус инфекциясини аниқлаш учун **51 854 та** лаборатория таҳлили амалга оширилди.



“Ўзэкспомарказ”да коронавирус инфекциясини юқтирган беморларни даволаш мақсадида вазир-лик томонидан **270 ўринга** мўлжалланган вақтин-чалик шифохона ташкил этилди ва унда **27 576** фуқаро текширувдан ўтказилди. Уларга стационар ва амбулатор тиббий ёрдам кўрсатилди.

### Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 19 январ-даги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизи-мини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали ижро этиш мақсадида Му-дофаа вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, мудофаага қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида “**Миллий армиямиз — ёшлар ни-гоҳида**” широри остида 2022 йилга мўлжалланган, маҳаллаларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган “йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Унга мувофиқ, алоҳида уюшган ва уюлмаган ёшлар билан жорий йилнинг **6 ойи** давомида **14 та** маъмурий ҳудуд бўйича маҳалла, ҳарбий қисм ва муассасаларда **4 та** — ватанпарварлик, маънавият, маданият ва ҳуқуқий саводхонлик йўналишлари-да жами **16 453 та** манзилли тадбир ўтказилди. Уларга **905 мингдан** ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Илгит-қизларнинг маънавий саводхонлигини ошириш ҳамда мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида **2095 та** маънавият соати, интеллектуал викторина, ҳарбий-спорт мусобақала-ри, буюк аждодларимиз қаҳрамонлиқларини ўрга-нишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар, китобхонлик кечалари, концерт дастурлари, ада-бий-бадий кечалар ташкил этилди. Мазкур тадбир-ларда **63 мингдан ортиқ** ёш иштирок этди. Шунинг-дек, ўсиб келаётган ёш авлод қалбига улуг саркар-да аждодларимиз мардлиги ва жасоратини, буюк ватанпарварлигини чуқур синдириш мақсадида ҳарбий қисм ва муассасаларда “**Амир Темури**” ва “**Жалолоддин Манғуберди**” синфлари яратилди.

2022 йил март-май ойларида **9 мингдан** ортиқ умумтаълим мактабининг **10-11-синфлари**дан **120 мингга** яқин ўқувчиси иштирокида мудофаа вазири қубоғи учун ўч босқичда “**Ватанпарвар-лар**” ҳарбий-спорт мусобақалари ташкил этилди.

Профилактик ҳисобда турган, уюлмаган, тарбияси оғир ҳамда жиноят ва ҳуқуқбузарликка мойил ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбия-лаш, уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш, бандлигига қўмаклашиш мақсадида Қорақалпо-ғистон Республикаси, Тошкент, Андижон, Жиззах, Наманган, Хоразм, Навоий ва Қашқадарё вило-ятларида “**Ёш ватанпарварлар йиғини**” ташкил этилди. Мазкур йиғинларга **900 дан ортиқ** ёш қамраб олинди.

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 2 мартда-ги алоҳида қарори билан ёшларга оид давлат сиё-сатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшлар-ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етуқ ва жисмонан соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида Мудофаа вазирлиги ҳузурида “**Ватан таянчи**” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ва-танпарварлик ҳаракати ташкил этилди.

2022/2023 ўқув йилидан “Ватан таянчи” ҳара-кати фаолиятида фаол иштирок этган ҳамда мак-табни аъло баҳоларга тамомлаган ҳар бир “**Ватан таянчи**” отрядининг бир нафар аъзосига Мудо-фаа вазирлиги томонидан белгиланган танлаб олиш тартибига мувофиқ олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириш учун **имтиёзли тавсиянома** берилди.

### Мурожаатлар қатъий назоратда

Мудофаа вазирлиги тизимида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун та-лабларига мувофиқ ташкил этиб келинмоқда.

2022 йилнинг 1 январидан ҳозиргача Мудофаа вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан жами **2114 та** мурожаат (*Президентнича Виртуал қабулхонаси орқали 1306 та, бевосита 559 та, Бош прокуратурадан 41 та*) келиб тушган. Те-гишли идоралар ва ҳокимликларга тааллуқлили-ги юзасидан **115 та** мурожаат юборилган. Қолган **1973 та** мурожаат Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан кўриб чиқилган.

Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ва масъул хо-димлари томонидан **208 нафар** жисмоний ва юри-дик шахсининг вакиллари бевосита идорада ҳам-да сайёр қабуллар орқали қабул қилинган ҳамда уларга тегишли амалий ёрдам кўрсатилган.

Шу билан бирга, таҳлиллар натижаси жисмо-ний ва юридик шахслар мурожаатларининг энг кўп қисми ҳарбий хизматчиларни оилавий шароитга қўра, хизмат жойини кўчириш, контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш, ҳарбий хизматни тиклаш, уй-жойни ҳусусийлаштириш ва уй-жой билан таъ-минлаш, муддатли ҳарбий хизматга қақриш, са-фарбарлик қақруви резервига олиш масалалари ҳисобида тўғри келмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзола-ри ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва озаки мурожаатлари бўйича олиб борилаётган ишлар қатъий назоратда олиниб, натижалари юза-сидан зарурий чора-тадбирлар белгиланган.

Мурожаатлар таҳлили кўрсатмоқдаки, кўп-лаб фуқаролар бошқа йўналишлар қатори ҳарбий соҳадаги ислохотларни ҳам қўллаб-қувватлашини, Қўролли Кучларимиз кудратига ишоншини, Ватан ҳимоячиларининг фидойи хизматларидан миннат-дор эканини билдирган.

Мудофаа вазирлигида қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларида белгиланган топшириқлар ўз вақтида бажарилиб, ижро интизо-мини янада мустаҳкамлаш, шахсий масъулият ва ташаббускорликни ошириш ишлари изчил давом эттирилди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбеки-стон хавфсизлигини таъминлашга, мудо



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz.uz\_news

## МУНОСАБАТ

“2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналарида ўзоқ муддатли хизмат сафарига фақат дипломатик академия ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар юборилади.



# “СМАРТ УНИВЕРСИТЕТ” КОНЦЕПЦИЯСИ миллий кадрлар тайёрлашда янги даври бошлайди

Халқаро муносабатлар тобора мураккаблашиб, тубдан трансформация бўлаётгани, жаҳон сиёсати, иқтисодиёти, халқаро молия тизимидаги фундаментал ўзгаришлар мамлакатимиз ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолияти самарадорлигини янада оширишни, миллий дипломат кадрларимиз салоҳиятини сезиларли даражада кучайтиришни талаб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари Ташқи ишлар вазирлиги, жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети олдига қатор муҳим вазифаларни қўймоқда.



**Дурбек ОМОНОВ,**  
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори**

Биринчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсати ва иқтисодиёти, халқаро ҳуқуқ соҳаси учун замонавий билимларга эга, ватанпарвар ҳамда рақобатбардош кадрларни тайёрлашга қаратилган янги таълим тизими шакллантирилади.

Иккинчидан, халқаро муносабатлар бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида университетни мамлакатнинг флагман олий таълим муассасасига айлантириш ва уни босқичма-босқич жаҳоннинг етакчи 1000 та университети сафига киришти таъминланади.

Учинчидан, миллий кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва дипломат раҳбар ходимлар захирасини яратиш тизими тубдан такомиллаштирилади.

Тўртинчидан, университетни халқаро миқёсдаги долзарб муаммоларни ўрганиш, минтақашунослик ва мамлакатшунослик бўйича етакчи миллий инновацион тадқиқот марказига айлантириш, юртимизнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятининг ахборот-таҳлилий таъминотини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш масалалари белгиланади.

Ушбу вазифалар самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида шу йил 23 июль кuni Президентимизнинг “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимли ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳужжат мазмун-моҳияти жиҳатидан муболагасиз тарихий аҳамиятга эга.

Аввало, мазкур қарорга кўра, яқин беш йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети янги авлод олий таълим муассасаси — “Смарт университет” концепцияси асосида трансформация қилинади.

Жумладан, университетда ўқитиш жараёни илмий-таҳлилий йўналтирилганлик ва академик яхлитлик таълим технологиялари ҳамда уларни таъминловчи дастурий платформа асосида ташкил этилади. Бундан ташқари, ҳар бир талаба учун ўқилишнинг барча босқичида индивидуал таълим траекторияси ишлаб чиқилад. Суст ўқув жараёнидан фаол мустақил билим излаш тажрибаси жорий этилади. Университет ахборот-ресурс марказлари фондини электрон шаклга ўтказиб, уларни нуфузли илмий маълумотлар базаларига улаш ҳам режалаштирилган.

Умумий кўринишда “Смарт университет” концепциясини амалга ошириш олий таълим муассасамизнинг ўқув, илмий ва бошқарув жараёнини технологик-дастурий асосда мувофиқлаштириш, барча ҳужжатлар

айланмасини рақамлаштириш ва автоматлаштириш имконини беради.

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб университет ўқув ва илмий жараёнга етакчи 1000 талик рўйхатига кирган хорижий олий таълим муассасаларидан профессор-ўқитувчиларни кенг жалб қила бошлайди. Шу билан бирга, университетимизнинг етакчи профессор-ўқитувчилари, докторант ва магистрантлари стажировка ва малака ошириш учун чет элдаги илгор таълим муассасаларига юборилади.

Қарорда университет олдига халқаро академик дастурларни кенгайтириш вазифаси қўйилган. Бу йўналишда 2026 йил 1 январгача Глазго университети (Буюк Британия), Бинкент университети (Туркия), Олий иқтисодиёт мактаби (Россия) ва бошқа нуфузли хорижий ҳамкорлар билан бир нечта қўшма таълим дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Ўз навбатида, университетда мутахассислик фанлари бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган дарслар улушини 40 фоизга етказиш, хорижий олий таълим муассасаларида малака оширган педагог ва раҳбар кадрлар сонини эса 5 баробар ошириш режалаштирилган.

Ҳуқуқий ҳужжатнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, унда Президентимиз ташаббуси билан илк бор мамлакатимизда Дипломатик академия ташкил этилмоқда. Унинг асосий вазифалари белгилаб берилган. Булар, аввало,



Ўзбекистон миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, дипломатик кадрлар, жумладан, юқори бўғин дипломатларини тизимли тайёрлаш ҳамда дипломат раҳбар ходимлар захирасини яратишдир.

2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналарида ўзоқ муддатли хизмат сафарига фақат Дипломатик академия ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар юборилади.

Дипломатик академия олдига халқаро фаолиятга жалб этилган давлат ва нодавлат ташкилотлар ходимларини тўлов-шартнома асосида қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш вазифаси ҳам қўйилди. Шуниси эътиборлики, ушбу академияда дарс бериш жараёнига мамлакатимизнинг тажрибали дипломатлари, собиқ элчиларимиз, етук миллий ва хорижий олимлар (Япония, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа давлатлардан) жалб қилинади.

Президентимиз қарорида университет илмий фаолиятга ҳам алоҳида урғу берилган. Жумладан, 2022 йил 1 сентябрдан университетга халқаро

муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари, жаҳон иқтисодиёти, халқаро ҳуқуқ ихтисосликлари бўйича илмий кенгашлар тузиш, илмий унвон ва илмий даражалар бериш ваколати тақдим этилди.

Шу билан бирга, университетда Истиқболли халқаро тадқиқотлар институти ташкил қилинади. Институт мамлакат раҳбарияти ҳамда ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятга жалб этилган давлат органларини тизимли равишда ахборот-таҳлилий ҳужжатлар билан таъминлайди. Институтда Афғонистон ва Жанубий Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси, Европа, Америка тадқиқотлари, барқарор ривожланиш муаммолари, энергетика геосиёсати, иқтисодий дипломатия, халқаро ҳуқуқ марказлари ва конфликтология масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борилади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий фаолиятини қайта ташкил этиш ва бу жараёнга етакчи хорижий тадқиқот марказлари салоҳиятини жалб қилиш орқали 2026 йил 1 январга қадар университетдаги халқаро лойиҳалар сонини 4 баробар, грант маблағлари ҳажминини 3 баробар ошириш, университет умумий илмий салоҳиятини эса 60 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

Қарорда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги академик лицей фаолиятини такомиллаштириш вазифалари ҳам белгиланган. Жумладан, мамлакат ташқи сиёсий, иқтисодий ва халқаро ҳуқуқ соҳаси учун иқтидорли ёшларни саралаб олиш, лицей университети таълими узлуксизлиги, изчиллигини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасасига қўшимча қатор ваколатлар берилди. Улар доирасида академик лицейда ижтимоий-гуманитар фанлар таълими йўналиши бўйича ўқитиш камровини кенгайтириш, лицей ўқув жа-

раёнига университет ихтисослик кафедраларини бириктириш кўзда тутилган. Шунингдек, лицей ва университет ўртасида профессор-ўқитувчилар ротацияси тизими жорий қилинади.

Бундан ташқари, академик лицейнинг фанлардан яқиний ўзлаштириш кўрсаткичи юқори бўлган битирувчиларни университетга қабул қилишдаги дастлабки (саралаш) имтиҳонлардан овоз қилинади.

Хулоса қилганда, ушбу қарор Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида академик, илмий ва бошқарув жараёнини тубдан модернизация қилиш, мамлакат ташқи сиёсий-иқтисодий, халқаро ҳуқуқий фаолиятининг илмий-методологик ва ахборот-таҳлилий таъминоти сифатини яхшилаш ҳамда дипломатик кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, захирасини яратиш тизимини шакллантиришга қаратилган муҳим меъёрий ҳужжатдир. Келгусида Ўзбекистон миллий манфаатларини халқаро майдонда изчил ва оқилона илгари суриш стратегиясининг ажралмас бўғини бўлиб хизмат қилади.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ

# ҚЎШИМЧА КВАЛИФИКАЦИЯ мактабларнинг педагогларга эҳтиёжини сезиларли қоплайди

**Илҳом ҲАЙДАРОВ,**  
**Чирчиқ давлат педагогика университети проректори,**  
**физика-математика фанлари номзоди, доцент**

Бугун ўқув муассасалари (умумий ўрта, профессионал касб-хунар ҳамда олий таълим)да тахсил олаётган ёшларнинг эртанги кун бунёдкорлари сифатида мамлакат тараққиётида муҳим ўрин эгаллаши давлатимиз сиёсатининг пировард мақсадидир.

Ҳаракатлар стратегиясида ҳам, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида ҳам таълим сифатини оширишга қаратилган муҳим вазифалар белгилангани, ҳукумат томонидан ўқитиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Унга кўра, асосий вазифа сифатида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, ўқитиш самарадорлигини ошириш, меҳнат бозори учун замонавий, рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан янгиллаш, чет тиллар, информатика, математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш масаласи қўйилган.

Бу борадаги ислохотларнинг мантикий давоми эса Ўзбекистон Президентининг сўнгги йиллардаги бир қатор фармон ва қарорларида ўз ифодасини топган. Жумладан, шу йилнинг 28 январь кuni давлатимиз раҳбари раислигида мактаб таълимини ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселекторда мактаблардаги таълим сифати ва мазмунига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, фойдаланиб келинаётган таълим стандартлари, ўқув дастурлари фақатгина назарий билим беришга йўналтирилгани, мантикий фикрлашга, амалий қўникмаларни шакллантиришга, бир сўз билан айтганда, ёшларни ҳаётга тайёрлашга хизмат қилмаётгани қайд этилди. Соҳани комплекс ривожлантириш ва ислоҳ этишга қаратилган янги ташаббуслар илгари сурилди. Олий маълумотли педагог кадрларни тайёрлаш тизими ҳам тубдан такомиллаштирилиши таъкидланди.

Шунингдек, жорий йил 5 апрелда халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигига бағишланган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида олис ва чекка ҳудудлардаги ҳамда “оғир” шароитдаги мактабларда таълим сифатини ошириш, мактаб ўқитувчиларини янги методика асосида қайта тайёрлаш бўйича умуммиллий лойиҳани бошлаш зарурлиги қайд этилди. Ҳар бир ҳудуддаги Малака ошириш марказлари негизда Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий таълим марказларини ташкил этиш, уларга математика, физика, кимё, биология, IT каби янги ва табиий фанлар бўйича хориждан энг малакали мутахассисларни жалб қилиш топшириқи берилди. Шунингдек, чет эллик экспертлар ёрдамида ҳар бир вилоятда олийгоҳ, миллий таълим марказлари ва мобил гуруҳлар муаллимларида иборат “тренинглар гуруҳлари”ни шакллантириш вазифалари белгиланди.

Янги Ўзбекистоннинг келажаги чуқур билимга эга, ақл-заковатли ва шижоатли ёшларни тарбиялаш билан боғлиқ экан, таълим соҳасида ҳам инновацион ёндашувлар, амалдаги чора-тадбирлар ва фаолиятга муносабатларни замонавий тенденциялар ва стандартлар асосида қайта қўриб чиқиш керак бўлади. Яъни меҳнат бозори талабларини чуқур ўрганган ҳолда умумтаълим мактабларидаги фанлар таҳлилидан келиб чиқиб, аниқ чора-тадбирлар белгиллаш ва ижросини таъминлаш зарур.

Бугун умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режасидаги айрим фанларга ажратилган соатларнинг амалдаги ҳолати қуйидагича эканини кузатиш мумкин. Хусусан, давлат



ва ҳуқуқ асослари фанига 4 соат, табиий фанга 5 соат, мусиқа маданиятига 7 соат, кимё фанига 10 соат, информатика ва ахборот технологиялари фанига 10 соат ажратилган. Бу эса муайян фан ўқитувчисини тўлиқ штат бирлиги билан қамраб олиш имконини бермайди. Айниқса, ўқувчилар сони кам бўлган умумий ўрта таълим мактабларида муаммолари вазият, яъни муайян фанлардан ўқитувчи учун бир штат бирлигида дарс етарли бўлмаслиги мумкин. Бу, ўз навбатида, ўқитувчининг тўлиқ штатда ишлаши учун қўшимча мутахассислик бўйича маълумотга эга бўлишини талаб этади.

Ривожланган давлатларнинг таълим соҳасидаги тажрибасини ўрга-



ниб, зарур ўринларда улардан унумли фойдаланган ҳолда миллий таълим тизимини мустаҳкам ва замонавий шаклда йўлга қўйиш куннинг долзарб масалаларидан.

“Учинчи авлод университети” деб тан олинган Кембриж университетида қўшимча квалификация олиш имконияти яратилган бўлиб, бу ҳар икки томон учун фойдали тақдирдир. “Кембриж феномени” дея таърифланган инновацион таълим кластери ривожининг янги босқичида қўшимча ихтисослик беришни йўлга қўйиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Кембриж касбий ривожланиш квалификациялари дастурлари эксперт кўрсатмаси ва кўмағида номзодларга фикрлаш ва амалиётни ривожлантиришга ёрдам беради.

Президентимизнинг шу йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва уларда бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, илгор хорижий тажрибани жорий қилган ҳолда замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, юқори малакали про-

фессионал мутахассислар тайёрлашнинг янги босқичга кўтариш, шунингдек, педагогика соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсад қилиб қўйилган.

Бундан ташқари, педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари таълим дастурларини хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда қўриб чиқиш, таълимни халқаро стандарт классификатори ва халқаро баҳолаш дастурлари талабларига мослаштириш зарурлиги қайд этилган. Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ўртасида академик мобиллигини йўлга қўйиш учун уларнинг ўқув режалари ва таълим дастурларини ўзаро мувофиқлаштириш, кундузги таълим шаклида тахсил олаётган 2–4-курс талабалари ўқибдан ҳар йили тасдиқланган умумий қабул квоталари доирасида педагог кадрлар учун камидан 35 та алоҳида квота ажратиш каби вазифалар қўйилган.

Қарордаги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Чирчиқ давлат педагогика университетида бир қанча вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, турдош таълим йўналишларига қўшимча мутахассислик бериш концепцияси ишлаб чиқилди. Масалан, кредит-модуль тизими асосида тахсил олаётган “хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили” ҳамда “хорижий тил ва адабиёти: немис тили”, “биология” ҳамда “кимё” таълим йўналишлари доирасида қўшимча квалификация бериш мақсадида мувофиқ, Математика йўналишидаги талаба муайян фан кредитлари ҳисобига физика; физика йўналишидагилар эса, ўз навбатида, математика мутахассислиги дипломига эга бўлиши мумкин. Яъни талаба қўшимча ихтисослик олишни хоҳласа,

турдош таълим йўналишидаги айрим кредитларни эгаллаш ҳисобига иккита мутахассислик бакалавр дипломига эга бўлади.

Бу, ўз аниқда, бўлғуси ўқитувчининг вақтинчи ҳам, нақдинчи ҳам тежайди, шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларидаги дарс соати билан боғлиқ муаммолар ечимдир. Қолаверса, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан талабалар ўқишини кўчириш масаласидаги янги меъёрга ҳам мос келади. Талабанинг таълим бозориди ҳолатдан келиб чиқиб, турдош йўналиш ёки олий таълим муассасасига қўйиш кўчириш муаммоси муайян даражада ҳал этилади. Бундан ташқари, қатор ижобий натижаларга эришилади. Жумладан, талаба бўш вақтидан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади, бандлиги таъминланади; қўшимча квалификацияни эгаллайди; олис ҳудудларда жойлашган мактабларни барча фанлар бўйича олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш жараёни тезлашади; мактаб ўқитувчилари юклагини яхлит ставкага тўлдириш имконияти пайдо бўлади; олий таълим муассасалари учун эса қўшимча маблағлар жалб этилади.

Хулоса қилганда, Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар, таълим самарадорлигини оширишга қаратилган фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш, аниқ чора-тадбирлар механизми асосида ишлаш муҳим вазифа эканини унутмаслигимиз керак. Ёшларнинг илмий, ижодий, мустақил фикрлайдиган, етук, рақобатбардош кадр бўлиб етишиши учун таълимга алоҳида эътибор қаратилгани ҳар бир олий таълим, хусусан, педагогика олий таълими зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки таълим сифати ва самарадорлигини оширишда асосий масъулият педагог зиммасига тушади.



